



TEMIRYO'LCHI



O'zbekiston temiryo'lchilarining gazetasi

Maxsus son

2023-yil 4-avgust

Касб ҳайрамингиз мудорак бўлсин, азиз темирийчилар!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 2 август куни “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида”ги фармонига асосан ҳар йили август ойининг биринчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари куни сифатида расман кенг нишонланиб келинмоқда.



С праздником, дорогие железнодорожники!

Байрам табриги

**АЗИЗ ВА ҚАДРЛИ
ТЕМИРИЙЛЧИЛАР!**

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим айём – Ўзбекистон темир йўл транспорти ходимлари куни байрами билан самимий табриклиймиз.

Барчангизга маълумки, бугунги кунда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёев бошчилигига Ватанимиз тараққиётининг янги босқичида кенг қамровли испоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриши, Янги Ўзбекистонни барпо этиши, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улугвор ишлар йўлидан дадил бормоқда.

Темир йўл соҳаси ҳам давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва қўллаб-қувватлаши натижасида тубдан таомиллашиб, барқарор ривожланмоқда.

Жонажон Ўзбекистонимиз тараққиёти йўлидаги ҳаётбахи испоҳотларда темир йўл соҳаси ҳам мамлакатимизнинг муҳим иқтисодий тармоги сифатида ўзининг муносиб ҳиссасини қўйимоқда. Айтиши мумкини, ҳар бирингиз бу янгиланиши ва ўзгаришилар иштирокчиси ва яратувчисиз!

Барчангизга юртимизнинг буюк келажаги, ҳалқимизнинг фаровонлиги, баҳтсаодати, соҳамизнинг бундан-да юксак тараққиёти йўлида олиб бораётган кенг қамровли фаолиятингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Оиласарингиздан хотиржамлик, рўзгорингиздан қутбарака ва фаровонлик аримасин!

Темир йўл соҳаси равнақи йўлида иштиёқ билан меҳнат қилишида асло чарчаманг!

Байрамингиз муборак бўлсин!

Хурмат ва эҳтиром билан

**3.НАРЗУЛЛАЕВ,
“Ўзбекистон темир йўллари”
акциядорлик жамияти
бошқаруви раиси в.б.**

**Қ.САБИРОВ,
Ўзбекистон темирйўлчилари
ва транспорт қурувчилари
касаба уюшмаси Республика
Кенгаши раиси**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 2 август куни “ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида”ги фармонига асосан ҳар йили август ойининг биринчи якшанбаси “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари куни” сифатида расман кенг нишонланиб келинмоқда. Жорий йил ҳам август ойининг биринчи якшанбасида Ўзбекистон темирйўлчилари касб байрамини мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги олдидан нишонлашади.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ:**МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА
ҲИССА ҚЎШАЁТГАН ТЕМИРИЙЛЧИЛАР**

Темирйўлчилар бу йилги касб байрамини Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги тарихий аҳамиятга эга, ҳалқимиз фаровонлиги, давлатимиз иқтисодий юксалишига, қолаверса, мамлакатимизнинг юртошларимизнинг келажак ҳаёти учун ҳам катта наф берадиган лойиҳаларни амалга оширишдек тарихий кунларда кутиб олишмоқда. Улардан бири давлатимиз раҳбари ташабbusи билан пойтахтимизда бунёд этилаётган ер усти ҳалқа метро йўналишининг қурилиши ишлари жадаллик билан бажарилмоқда. “Қўйлиқ – Қурувчилар” йўналишида 5 та бекат барпо этилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, 13- ҳамда 14-бекатларда давом эттирилаётган қурилиш ишлари йил якунинг қадар битказилиши кутилмоқда.

Катта лойиҳалардан яна бири темирйўлчилар томонидан Қизилқум саҳросининг қоқ ўртасидан ўтган ва 2017 йилда қурилган Бухоро – Урганч – Хива темир йўлини электрлаштириш ишла-



ридир. Агар умумий узунлиги 465,5 километрлик ушбу йўналиш тўлиқ электрлаштирилса, тармоқ тасарруфидаги пўлат изларнинг электрлаштирилган ҳудуди қарийб 50 фоизга етади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу лойиҳа якунига етгач, Бухоро – Урганч – Хива йўналишида юқ ва йўловчи поездлари электровозларда ҳаракатланади. Энг муҳими, Тошкент – Хива йўналиши бўйлаб юқори тезлиқда ҳаракатланувчи “Afrosiyob” электропоездлари қатнони ҳам йўлга қўйилади.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Қўпrikкурилиш трести” унитар корхонаси мутахассислари томонидан Хоразм вилоятини Қорақалпогистон Республикаси билан боғловчи, Амударё устидан ўтадиган янги темир йўл ва автомобиль йўли қўшма кўприги ҳам катта лойиҳалардан бири. Амударёда қурилаётган янги

кўпrik нафақат Қорақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилоятини янада яқинлаштиришда, балки бутун мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин эгаллади.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидаги “Қўпrikкурилиш трести” унитар корхонаси томонидан Ҳоразм вилоятини Қорақалпогистон Республикаси билан боғловчи, Амударё устидан ўтадиган янги темир йўл ва автомобиль йўли қўшма кўприги ҳам катта лойиҳалардан бири. Амударёда қурилаётган янги

мехнати билан бўлмоқда. Бу яхши, бироқ бугун шиддат билан ўзгариб бораётган замонда қўлга киритилган ютуклар билан кифояланиб қолиш бўлмайди. Янада катта мэрралар, вазифалар, буюк лойиҳалар устидан ишлаш давр талаби, тараққиёт кафолати, ҳалқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши демақдир. Шундай экан бугунги замон нафасини ҳис қилган темирйўлчилар ривожланиш сари илдам қадамлар билан давом этишилмоқда. Темир йўлларда юқ ва йўловчи қатновларини ошириш ҳамда хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаган ҳолда тизимда янги лойиҳалар бунёдкорникларини бажариш билан банд бўлиш зарур.

Азиз темирйўлчилар, барчангизни касб байрами билан яна бир бор табриклиймиз!

Рустам ҲАЙДАРОВ



2023 йил январь

“Қарши минтақавий темир йўл узели” унитар корхонаси тасарруфидаги “Китоб” станциясида сув ортиш тизими қўриб фойдаланишга топширилди. Ушбу сув ортиш тизими “Дашт”, “Шўртан”, “Қайирма”, “Бўзахўр”, “Жарқудук”, “Деҳқонобод”, “Чашма”, “Карвон”, “Муборак” ва “Машъал” станцияларида тоза ичимлик суви эҳтиёжини таъминлашга хизмат қилади.



ИҚТИСОДИЙ-МОЛИЯВИЙ НАТИЖАДОРЛИК БИРИНЧИ ЎРИНДА БЎЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон темир йўллари ходимлари куни байрами олдидан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Зуфар Нарзуллаев бошқарма бошликлари, корхона раҳбарлари ва мутахассислар иштирокида тузилган ишчи гурӯҳи билан республикамизнинг бир қатор вилоятларида бўлиб, минтақавий темир йўл узелларида, корхона ва участка линияларида ҳолатлар билан яқиндан танишиди.



Ушбу ташрифлардан кўзланган асосий мақсад эса мамлакатимиз темир йўл тизими тасаррufидаги корхона ва ташкилотлар фаолияти, ташиб ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳаллий аҳоли ва хорижлик сайёхларга темир йўл транспорти хизматини кўрсатиш сифати ва самарадорлигини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш бўлди.

Бошқарув раиси ишчи гурӯҳи билан дастлаб темир йўл соҳасидаги таркибий бўлинмалар фаолияти билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятидаги “Шарғункўмир” акциядорлик жамиятига борди. Бу ерда олиб борилаётган ишлаб чиқариш жараёни билан танишиб, инвестиция лойиҳаси доирасида курилаётган янги обьектларни кўздан кечирди ва мазкур лойиҳа белгиланган муддатларда амалга ошишига қатъий риоя этилишининг таъминланишига алоҳида аҳамият қаратди.

Ишчи гурӯхнинг навбатдаги манзили “Термиз минтақавий темир йўл узели” унитар корхонаси бўлди. З.Нарзуллаев узел ва линия корхоналари раҳбарлари билан йиғилиш ўтказди. Унда жорий жараёнларни оптималлаштириш ва корхоналар самарадорлигини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Шу билан бирга, З.Нарзуллаев узел тасаррufидаги вокзалларга ташриф буорди, йўловчилар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишиди.

Сурхондарёга қилинган ташриф якунлангач, ишчи гурӯҳи “Карши минтақавий темир йўл узели” унитар корхонаси қарашли корхоналар, темир йўл станциялари ва вокзалларга бориб, у ердаги фаолиятни ўрганиши.

Шу куннинг ўзида узел мажлислар залида тезкор йиғилиш ўтказилди. Унда корхона ва ташкилотлар фаолияти тўғрисида маълумотлар тингланди.

Шунингдек, ташриф доирасида узелнинг Инновацион марказида лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди. Унда малакали темир йўл мутахассисларининг 10 та инновацион лойиҳаси, платформа ва “Start-up” лойиҳалари билан танишилди. Бошқарув раиси мазкур лойиҳаларни



фасини бажарувчи Зуфар Нарзуллаев бошлигидаги Жамият раҳбарлари, бошқарма бошликлари ҳамда мутахассислар “Қуюв-механика заводи” шўъба корхонасига ташриф буоришиди.

Ушбу ташриф жараёнида Жамият раҳбарияти “Қуюв-механика заводи” шўъба корхонаси фаолияти ва бу ердаги мавжуд ишлаб чиқариш цехлари билан яқиндан танишиди. З.Нарзуллаев “Қуюв-механика заводи” шўъба корхонаси раҳбари Камолиддин Рашидов ва бу ерда фаолият кўрсатаётган етакчи мутахассисларга Ўзбекистон темир йўллари учун тайёрланаётган турли русумдаги юқ вагонлари сонини кескин ошириш, таъмирланаётган вагонларнинг сонини кўпайтириш, шунингдек, хориждан импорт қилинаётган эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштириш дастури асосида ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш, бунинг учун ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган илғор мутахассисларни моддий ва маънавий рағбатлантириш зарурлигини айтib ўтди.

Шу куннинг ўзида “Қўйон минтақавий темир йўл узели” унитар корхонасига йўл олиши. У ерда З.Нарзуллаев бошлигидаги узел иш фаолиятини ўрганиш, муаммоларини ҳал этиш ва келгуси режаларни белгилаб олиш масалаларига бағишлиган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиқкан бошқарув раиси бугунги кунда мамлакатимиз ва темир йўл соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, янгилик ва ўзгаришларга эътибор қаратди. Узел тасаррufидаги корхона ва ташкилотларда кадрлар тизими ишини яхшилаш, ишчи-ходимлар-

ни, айниқа, ёшларни кўплаб-куватлаш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган режалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Қўйон сафаридан сўнг ишчи гурӯҳи Тошкентга қайтиб келди.

Маълумки, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфида саноат корхоналари республикамиз иқтисолиётида муҳим ўрин тутади. Жамият бошқаруви раиси в.б. З.Нарзуллаев пойтахтимизда жойлашган йирик саноат корхоналари – “Toshkent yo'lovchi vagonlarni qurish va ta'mirlash zavodi” акциядорлик жамияти, “Ўзтемирийўлмаштамир” унитар корхонаси ҳамда “Тошкент-механика заводи” акциядорлик жамиятига ҳам ташриф буорди.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва сифат назоратини кучайтириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, ишчи-ходимларга қулагай шароитларини яратиш, ҳаракат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш каби долзарб масалалар юзасидан топшириқ ва тавсиялар берилди.

“Тошкент-механика заводи” акциядорлик жамиятига ташриф чоғида яқинда реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилган заводнинг бош биноси, музей фаолияти ҳамда ишчи-ходимлар учун барпо этилган дам олиш боғи билан яқиндан танишиди.

Шунингдек, З.Нарзуллаев барча саноат корхоналари фаолиятини янада тақомиллаштириш учун техника ва ресурслардан максимал фойдаланган ҳолда ишларни ташкил этиш, ички имкониятларга таяниш ва уларни самаравишига солиш зарурлигини айтib ўтди.

Бошқарув раиси завод раҳбарларига цехларни замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштиришга етарли эътибор бериш, импорт ўрнини босувчи янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича алоҳида тавсия ва кўрсатмалар берди.

Маҳаллийлаштириш, экспорт кўрсаткичларини яхшилаш, инвестиция лойиҳаларини белгиланган муддатларда бажарабилишини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Бошқарув раиси бошлигидаги ишчи гурӯҳи “Тошкент минтақавий темир йўл узели” унитар корхонаси ҳамда “Андижон-механика заводи” шўъба корхонаси фаолияти ва ижтимоий-иқтисолий ҳолати билан танишиди.



ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, улар бўйича янада пухта ва самарали иш олиб бориш, эркин бозорга киритишни режалаштириш борасида тавсия ва топшириклар берди.

Ташриф давомида Қашқадарё худудидаги темир йўл корхона ва ташкилотларининг иш фаолиятини янада тақомиллаштириш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишчи-ходимлар иш шароитини яхшилаш борасида қатъий вазифа ва топшириклар белгилаб берилди. Шундан сўнг “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ваз-



ЛОКОМОТИВ ПАРКИ 40 ТА ЯНГИ ЭЛЕКТРОПОЕЗД БИЛАН БОЙИТИЛИБ, ЗАМОНАВИЙ “SMART DEPO”ЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ мақсад юк ва йўловчи поездлар ҳаракатини янада яхшилашдир!

Темир йўл транспорти тизими фаолияти учун пўлат излар барқарорлиги, қудратли локомотивларнинг ишончли ҳаракати ҳамда юк ва йўловчи вагонларнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга.



2023 йил февраль

Термиз шаҳрида Афғонистон темир йўл бошқармаси ва “Sogdiana trans” шӯба корхонаси ўртасида “Ҳайратон – Мозори-Шариф” темир йўлини эксплуатация қилишини келгусида давом эттириш бўйича янги шартнома имзолашга келишилди. Янги келишувга кўра, “Sogdiana trans” шӯба корхонаси 2 йил давомида ўз фаолиятини давомида эттиради.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан локомотив паркини етарли даражада янги ва замонавий тепловоз ва электровозлар билан таъминлашга катта аҳамият қаратилди.

Хозирги кунда мамлакатимиз темир йўл транспорти тизимида Хитой Xалқ Республикасида ишлаб чиқарилган янги 12 та “O'ZBEKİSTON”, 15 та “O'Z-Y”, 11 та “O'ZEL” ва 11 та “O'ZELR”, 22 та “20'ZELR”, 8 та “20'ZUY” ҳамда Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган 7 та янги ЗЭС5К “Ермак” русумидаги электровозлар ҳамда Испания давлатида ишлаб чиқарилган 6 та ююри тезлик-



тидан яна 2 та “Afrosiyob” электропоезди ҳамда 2021-2022 йилларда эса Хитой Xалқ Республикасидан 22 та юк, 8 та йўловчи, жами 30 та 2 секцияли (жами 60 секция) магистрал электровоз харид қилиниб, юртимизга олиб келинди. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонига мувофиқ 2023-2030 йиллар давомида локомотив парки учун яна 40 та янги электропоезд харид қилиш кўзда тутилган бўлиб, шу электропоездларга хизмат қиладиган локомотив деполарни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилган. Шу мақсадда айни пайтда “Ўзбекистон” локомотив депосида “Smart depo” электрон дастури учун ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ишлари бошлаб юборилди. Келгусида қолган 7 та депода ҳам худди шундай “Smart depo” электрон платформалари ташкил этилади.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан локомотив паркини янгилаш ва ривожлантириш мақсадида сўнгги 2-3 йилда амалга оширган ишларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2020 йилда Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган 7 та 3 секцияли (жами 21 секция) магистрал электровозлар харид қилинди, – дейди Локомотивлардан фойдаланиш бошқармасининг бош мухандиси Сайдазим Кадиров. – Шунингдек, 2021 йилда Испания давла-



ТЕМИР ЙЎЛЛАРИМИЗ ЎЗБЕКИСТОННИ ЕВРОПА БОЗОРЛАРИ БИЛАН БОГЛАЙДИГАН ЯНГИ КОРИДОРЛАР БИЛАН КЕНГАЙМОҚДА

Жаҳон бозорларига тез ва тўсиқсиз чиқишида транспорт йўналишларини диверсификация қилиш жуда муҳим.

Давлатимиз раҳбари бу масалани халқаро тадбирларда доимий равишда кўтариб, амалий ечимлар таклиф қилмоқда. Ўтган 2022 йилда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. 2023 йилга мўлжалланган янги лойиҳалар эса Ўзбекистоннинг логистика имкониятларини сезиларли оширишга хизмат қиласди.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ўтган 2022 йилни нафақат йўловчи ташиш йўналишида, балки халқаро мультимодал йўналишида юк ташувларни амалга оширишда эришилган самарали натижалар билан якунлади. Фикримизни 2022 йил тақвимидағи саналар ҳам



“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида Хотин-қизлар масалалари бўйича Маслаҳат Кенгаши ҳамда Республика Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгаши томонидан 2022 йилда олиб борилган ишлар муҳокама қилиниб, 2023 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар мавзусига бағишинган семинар ўтказилди.



тасдиқлайди. Январь ойида Асака логистика марказидан 50 та контейнердан иборат биринчи блок поезди Озарбайжоннинг Боку шаҳрига жўнатилди. Февраль ойида Хитойнинг Циндао портидан чиқкан 70 та вагондан иборат 40 футли биринчи контейнер блок поезди “Чукурсой” станциясига етиб келди. Март ойида Ўзбе-

кистон – Туркманистон – Озарбайжон – Грузия йўналиши орқали Бухоро логистика маркази томонидан биринчи контейнер поезди Туркиянинг Мерсин портига юборилди. Апрель ойида “Придача” – “Чукурсой” станциялари йўналишида биринчи контейнер блок поезди қатнови йўлга қўйилди. Июнь ойида Тошкент шаҳридан Фарғона –

Наманган – Андижон вилоятларига экспресс контейнер поездлари ҳаракати йўлга қўйилди. Ноябрь ойида Туркия – Эрон – Туркманистон – Ўзбекистон боғловчи янги йўналиш орқали 40 та вагондан иборат биринчи юк поезди Тошкентга етиб келди. Декабрь ойида “Ўзтемириўлконтейнер” акциядорлик жамияти томонидан Литванинг “Драгуисте” станциясига биринчи контейнер поезди йўлга қўйилди. Шунингдек, декабрь ойида Ўзбекистон – Туркманистон – Озарбайжон – Грузия – Болгария Европа йўналиши орқали биринчи контейнер блок поезди Болгариянинг Бургас портига юборилди.

– Авваллари 12 та йўналишда маҳаллий поездларимиз хизмат кўрсатиб келган бўлса, 2022 йилда ушбу поездларимизнинг йўналиш сони 25 тадан ошди, – дейди “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Йўловчи ташиш департаменти бошлиғи Фозилжон Шарипов. – Юқори тезлиқда ҳаракатланувчи 6 та “Afrosiyob” электропоездларимиз ҳар куни йўловчиларимизга

хизмат кўрсатиб келишни бошлади.

Эътироф этиш лозимки, мамлакатимиз пўлат излари Ўзбекистонни Евropa бозорлари билан боғлайдиган янги коридорлар билан янада кенгаймоқда. Хусусан, 2023 йилда халқаро юк ташувларни амалга оширувчи яна 2 та янги халқаро логистика йўналишини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

– Хитой – Қозогистон – Ўзбекистон – Туркманистон – Эрон – Туркия ва Евropa давлатларига темир йўл орқали чиқиб кетадиган йўналишни муқобил Қозогистон орқали ўтадиган коридор билан солиштирадиган бўлсак, масофаси 1 минг 367 километрга қисқароқ бўлиб, юк ташиш вақти 7 кунга қисқарар экан, – дейди “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Логистика ва маркетинг бошқармаси бошлиғи Умидилло Ибрагимов. – Яна бир йўналиш бўлган Болтиқбўйи давлатлари, Беларусь, Россия, Қозогистон, Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон бўлиб, Ўзбекистон – Афғонистон – Покистон орқали қайта йўналтирилган темир йўллари 5 минг 600 километрни ташкил қилиб, 55 кун ўрнига 25 кунгача юк ташиш масофаси ва вақти қисқаришига олиб келади.

Бундан ташқари Ўзбекистон 2023 йилда темир йўл транспорти соҳаси йўлида амалга оширилиши бошланадиган яна 2 та муҳим лойиҳа ташаббускори саналади. Биринчиси Ўзбекистон – Афғонистон ва Покистон ҳудудидан ўтвучи 765 километрлик Термиз – Мозори-Шариф – Кобул – Пешовар темир йўлининг курилиши. Иккинчи стратегик аҳамиятга эга йўналиш эса Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой темир йўли курилиши лойиҳасидир.

Бир сўз билан айтганда, жорий 2023 йил “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти учун стратегик мақсадлар ва йирик мега лойиҳалар йили бўлиши кутилмоқда.



Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрининг ҳудуди йил сайин кенгайиб, ривожланиб бормоқда, аҳоли сони ҳам ҳар йилда 100 минг нафарга ортиб боряпти. Бугунги кунда 3 миллион аҳоли истиқомат қилаётган шаҳримиз Марказий Осиёning энг катта шаҳри, аҳоли сони бўйича ҳам етакчи саналади.



ТОШКЕНТ ЕР УСТИ ҲАЛҚА МЕТРО ЙЎНАЛИШИННИГ 2-БОСҚИЧИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Мегаполисга айланиб бораётган Тошкентда аҳолига қулай транспорт тизимини яратиб бериш, йўловчиларнинг узогини яқин қилиб, қимматли вақтини тежашга хукумат даражасида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимизда 2017 йилда қурилиши бошланган йирик лойиҳа – янги ер усти ҳалқа метро йўналишининг барпо этилиши ва бугунги кунда йўловчиларга хизмат кўрсатаётгани пойтахт аҳолиси ва мөхмонарни учун жуда катта қулийлик, имконият ҳамда совға бўлди.

Ушбу лойиҳа Сергели ва “Дўстлик-2” – “Қўйлиқ” йўналишида қурилиб, фойдаланишга топширилгани бугун ўзининг нақадар долзарблигини, қулийлигини, энг муҳими, зарурлигини ҳалқимиз ҳаётида кўраяпмиз. Бир кунда минглаб йўловчилар ушбу ер усти транспортидан самарали фойдаланишмоқда. Натижада мазкур йўналишга ҳамоҳанг автомобиль йўлларида, йўловчи автобусларида тирбандниклар бироз камайди.

Таъкидлаш лозимки, ҳукуматимиз топшириғи билан амалга оширилаётган ушбу йирик лойиҳалар “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти ва мутахассислари томонидан ишончли қурилмоқда ва вақт ўтган сари ўзқадрини янада мустаҳкамлаб, самародорлиги ортиб бормоқда.

Маълумки, темирйўлчилар томонидан бунёд этилган ер усти ҳалқа метро йўналишининг 1-босқичи бўл-



ган “Дўстлик – Қўйлиқ” участкасида янги ва замонавий метро поездларида йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатилаётган бўлса, ушбу лойиҳанинг давоми бўлган 2-босқич қисмида – 7,74 километрлик “Қўйлиқ – Қурувчилар” участкасида қурилиш ишлари тутатилиб, 5 та янги бекат қурилди.

Қўйлиқдан Қурувчилар даҳасигача бўлган 5 та метро бекатида поездларнинг синон тариқасидаги ҳаракати ишончли амалга оширилиб, ушбу янги бекатлар 1-босқичда барпо этилган бекатлар билан техник жиҳатдан ўзаро боғлангач, жорий йилнинг 25 апрель куни ер усти ҳалқа метро йўналишининг 2-босқичи бўлган “Қўйлиқ” – “Қурувчилар” йўналиши фойдаланишга топширилди. Бу эса янги йўналишлар атрофида яшаётган аҳолининг катта

қувончига сабаб бўлди.

Шу ўринда айтиш лозимки, Тошкент ер усти ҳалқа метросининг 2-босқичи қурилишининг мустаҳкамлигига, бекатларда, вагонларда йўловчилар учун замонавий, электрон хизматлар мавжуд бўлишига катта аҳамият қаратилди. Темирйўлчи қурувчилар томонидан ушбу йирик лойиҳани ҳар томонлама пухта ўйланган режа билан сифатли ва мустаҳкам, энг муҳими, ҳалқаро талаблар асосида барпо этишга катта аҳамият қаратилди.

Янги қурилган бекатлар ҳақида қисқача тўхталағидан бўлсак, 8-бекат Қўйлиқ-1 мавзесида жойлашган бўлиб, йўлнинг ўнг томонида кўп қаватли аҳоли турар жойлари бўлса, чап томонида аҳоли хонадонларидан иборат катта-катта маҳаллалар жойлашган. Арzon, хавфсиз ва тезкор транспорт тизимига жуда катта эҳтиёж бўлган бу ҳудудда метро бекатининг қурилиши шу ерда яшаётган аҳоли учун қувончли воқеа бўлди. Мазкур бекат 2 қаватдан иборат бўлиб, биринчи қаватда жами 28 та хона қурилди, улар маҳсус электр энергияси, алоқа тизими ҳамда ёнгин хавфсизлиги хоналари, шунингдек, тиббиёт пункти, ишчи-ходимлар хонаси ва кассадан иборат. Перрон эса 2-қаватда бўлиб, умумий узунлиги 115 метрдан иборат. 9-бекат Қўйлиқ-4 ҳамда Қўйлиқ-5 мавзелари орали-

2023 йил март

8 март – Ҳалқаро хотин-қизлар куни муносабати билан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг мажлислар залида тармоқнинг барча ҳудудларидағи темир йўл корхоналарида фаолият кўрсатаётган 130 нафар энг илғор, меҳнаткаш ва фидойи опа-сингилларимизни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ғида жойлашган бўлиб, бу ер аҳоли нисбатан кўпроқ ҳудуд ҳисобланади. 1-қаватдаги барча хизмат кўрсатиш ва техник хоналари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, 2-қаватдаги перрон қисмида ҳам замонавий ва мустаҳкам, узоқ муддатга чидамли мармардан фойдаланилди. Том қисмини барпо этишда ҳам шаҳримиз иқлимига мос иссиқ ва совуқдан сақловчи қурилиш маҳсулотларидан фойдаланилган. Ушбу йўналишнинг 10-бекати Сергели туманинага Қўйлиқ-7 мавзесида жойлашган бўлиб, Тошкент катта ҳалқа йўлининг Хонобод кўчасига бурилиш яқинида жойлашган.

11-бекат Беруний маҳалласи бошида жойлашган бўлиб, бу ерда асосан аҳоли хонадонлари жойлашган. Катта-катта маҳаллалар бор бу ҳудудда бекатнинг жойлашишига катта талаб бор эди. 12-бекат Қурувчилар мавзесида бўлиб, яқин атрофда аҳоли хонадонлари ва кўп қаватли уйлар мавжуд.

Лойиҳанинг 2-босқич қисмидаги 12-бекатдан сўнг 3,64 километрлик “Қурувчилар – Қипчоқ” участкасида ҳам бунёдкорлик ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишдаги лойиҳада белгиланган 2 та 13- ҳамда 14-бекатларни қуриш ишлари давом эттирилмоқда. 14-бекат Сергели ер усти йўналишининг 5-бекатига уланади.



“БУХОРО – УРГАНЧ – ХИВА” ТЕМИР ЙЎЛ УЧАСТКАСИ:

ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ПЎЛАТ ИЗЛАР БЎЙЛАБ КОНТАКТ ТАРМОФИНИНГ ПОЙДЕВОР ВА ТЯНЧ УСТУНЛАРИ ЎРНАТИЛЯПТИ

Темир йўл ҳар бир мамлакат иқтисодиёти учун жуда муҳим, стратегик аҳамиятга эга транспорт тизими ҳисобланади. Айниқса, дениз ва океанлардан узоқ, дарёлари кам бўлган Ўзбекистон учун бу соҳа фаолияти ва тараққиёти мамлакат иқтисодиёти ривожи учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода Ўзбекистон ҳукумати томонидан мамлакатнинг барча ҳудудларида, айниқса, ғарбий ва шимолий масканларида темир йўл транспортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, миллионлаб хориж маблағлари жалб қилинмоқда. Ҳусусан, 2017 йилда темирйўлчилар томонидан Қизилқум саҳросининг қоқ ўртасидан ўтган Бухоро – Урганч – Хива темир йўли курилиб, фойдаланишга топширилган эди. 2021 йилнинг март ойида эса ушбу участкада темирйўлчилар томонидан электр поездлари қатновини ташкил этиш учун электрлаштириш ишлари бошланди.

Ушбу лойиҳанинг буюртмачиси “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бўлиб, бош лойиҳачи этиб “Боштранспойиҳа” акциядорлик жамияти белгиланган. Лойиҳани молиялаштириш эса “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятиянинг ўз маблағлари ва Халқаро молия институтлари ва хорижий молия ташкилотларининг имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда. “Бухоро – Урганч – Хива” участкасининг узунлиги 465,54 километрдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган



Инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги ҳамда 2023 йил 16 январдаги “Осиё тарроқиёт банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан ҳамкорликда “Бухоро – Урганч – Хива” ва “Мискин – Нукус” темир йўл линияларини электрлаштириш” қарорлари ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбариятининг 2023 йил 23 январдаги 55-Н-сонли бўйруғига мувофиқ “Бухоро – Урганч – Хива ва “Мискин – Нукус” темир йўл линияларини электрлаштириш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш кераки, ушбу йирик лойиҳаларнинг 1-босқичида “Бухоро – Урганч – Хива” участкаси электрлаштирилгач, лойиҳанинг 2-босқичи бўлган 196 километрлик “Мискин – Нукус” участкаси ҳам электрлаштирилади.

Шу боис айни пайтда темирйўлчилар томонидан “Бухоро – Урганч – Хива” участкаси йўллари бўйлаб пойдевор ҳамда темир-бетон таянчлар үрнатилмоқда. Замонавий техникалар ёрдамида таянчларга электр симларини ушлаб туриш учун консоллар монтаж қилинмоқда. Шунингдек, станциялардаги пўлат излар бўйлаб үрнатиб бўлинган пойдевор ва таянчларга панжарали темир конструкцияларни монтаж қилиш ишлари ҳам бошлаб юборилди.



Айни пайтда мазкур лойиҳани электрлаштириш икки йўналишида – Бухоро ҳамда Хоразм ҳудудида олиб борилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз темир йўл участкаларини электрлаштириб, юк ва йўловчи вагонларини тортаётган тепловозларни электровозларга ўтказишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки дизель ёқилғисида ҳаракатланадиган тепловозларда юк ва йўловчи поездларга хизмат кўрсатиш электрловозларга қараганда жуда қимматга тушади. Қолаверса, ташиб



Халқаро туризмни ривожлантириш мақсадида 2023 йилда “O’ztemiryo’lyo’lovchi” акциядорлик жамияти ҳамда Германиянинг “Lernideye Erlebnisreisen” туристик компанияси ҳамкорлигига ўнга яқин туристик чартер поездлар ҳаракатланиши режалаштирилган эди. Жорий йилнинг 12 апрель куни мазкур туристик чартер поезд Германиянинг “Lernideye Erlebnisreisen” туристик компанияси ҳамкорлигига “Oriyent Silk Road Express” номи билан “Тошкент – Бухоро – Хива – Самарқанд – Қамаши – Китоб – Туркистон – Бишкек – Олма-Ота” йўналишида Швейцария, Германия, Англия, Люксембург, Канада, Индонезия ва Ирландия сайёҳларига хизмат кўрсатишни бошлади.

таннархи ошиб кетади, тепловозларни хизмат кўрсатиш муддати ҳам қисқаради.

Шунингдек, ушбу йўналишнинг электрлаштирилиши келгусида Тошкент – Самарқанд – Навоий –



НАЗАРБЕКДА ТЕМИРИЙЛЧИЛАР ҚУРГАН ЗАМОНАВИЙ ЙҮЛ ҮТКАЗГИЧ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

2023 йил 10 июнь
куни Тошкент вилояти Зангиота тумани Назарбек шаҳарчасидаги автомобиль йўли билан темир йўл кесишмасида барпо этилган транспорт ечими фойдаланиш учун топширилди.



Бугунги кунда наинки пойтахти мизда, балки унга туташ худудларда йўл-транспорт иншоатларини қуриш долзарб вазифага айланган. Бундан кўзланган асосий мақсад аҳолининг узогини яқин қилиш ҳамда тирбандликларнинг олдини олишdir. Бу ишларга “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидаги “Кўпrikкурилиш трести” унитар корхонаси жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, трестнинг 13-кўпrikкурилиш отряди жамоаси томонидан Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги Назарбек шаҳарчаси худудидан ўтган темир йўл ва автомобиль йўллари кесишмасида барпо этилган замонавий йўл үтказгич фойдаланишга топширилгач, минглаб юртдошларимизга катта кулайлик яратилди, уларнинг қимматли вақтлари тежалмоқда. Ушбу кўчада транспорт воситаларининг үтказувчанлиги ҳам кескин ошди.

Ушбу худудда яшовчи фуқаролардан тушган кўплаб мурожаатлар инобатга олинган ҳолда, Президентимизнинг 2020 йил 28 декабрдаги “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги фармойишига асосан, “4Р253 “Тошкент шаҳри – Туркистон ш/х – Қозогистон Республикаси чегараси” автомобиль йўлининг 3-километридаги темир йўл устидан йўл үтказгич “куриш” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, “Умумий фойдаланишда-



ги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” давлат унитар корхонаси буюртмачи сифатида белгиланди. Лойиҳа эса “Йўл – лойиҳа бюроси” масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёрланди. Бош пурратчи этиб “Кўпrikкурилиш трести” унитар корхонаси таркибидаги 13-кўпrikкурилиш отряди танланди.

Мазкур лойиҳа анча мураккаб ечимга эга. Унга биноан, энг аввали, темир йўл ва автомобиль йўли кесишмасида умумий узунлиги 398 метр, кенглиги 22 метр, кўпrik ости баландлиги 7 метр бўлган тоннель шаклидаги йўл үтказгич, унинг устидан эса, узунлиги 21,8 метр, кенглиги 18,5 метрли уч изли темир йўл кўпригини қуриш, улар кесишмасида яна

узунлиги 28 метр, эни 12,5 метрдан иборат автомобиль йўли үтказгичини барпо этиш режалаштирилган эди.



Лойиҳа доирасида объектда жами 7,6 минг кубометр бетон, 104 минг кубометр тупроқ ва 3,4 минг тонна асфальт ётқизиш ишлари олиб борилди. Автомобиль ва темир йўл үтказгичларида 42 та темир-бетон оралиқ қурилма, тоннель шаклидаги йўл үтказгичда 521 та тиргак девор монтаж қилинди, 90 та ёритиш устуни ҳамда 648 метр ҳимоя тўсиклари ўрнатилди.

Мана эндилиқда иншоатни қуриш даврида маҳаллий аҳолининг айланма йўллар орқали юришига тўғри келиб, вақт ва маблағ йўқотишларига сабаб бўлган қийинчилклар ҳам ортда қолди. Унинг фойдаланишга топширилиши маҳаллий аҳоли ва ушбу йўлдан ўтиб қайтаётганларнинг қимматли вақти тежалиши, автомобиллар тирбандлигининг олдини олиши баробарида атроф-муҳит экологияси яхшиланишига хизмат қиласди. Ҳисоб-китобларга қараганда, бир кечакундузда ўртача 10 мингта автотранспорт воситасининг узлуксиз қатнови таъминланади. Бу эса маҳаллий аҳоли ва ушбу йўлдан ўтиб қайтаётган бошқа ҳайдовчиларнинг қимматли вақтлари тежалишига, автомобиллар тирбандлиги ҳосил бўлмаслиги натижасида атроф-муҳит экологиясининг мусаффолигини таъминлашга янада катта ҳисса қўшади.



“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидаги корхоналар мутахассислари томонидан 2021 йилда Хоразм вилоятини Қорақалпоғистон Республикаси билан боғловчи, Амударё устидан ўтувчи узунлиги 413 метр бўлган темир йўл ва автомобиль йўли қўшма кўприги қурилиши бошланган эди. Айни пайтда ушбу лойиҳа ва Қораўзак туманидан Амударё ҳамда Турлан туманлари орқали Шовот туманингача 80,2 километр темир йўл қурилиши ҳам жадаллик билан амалга оширилмоқда.

2023 йил май

9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти тизим корхона ва бўлиннамаларида ишлаб, пенсияга чиқсан 6 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бири 14 миллион сўмдан, фронт ортида меҳнат қилган нафақадаги 25 нафар темирйўлчига эса 8 миллион сўмдан пул мукофоти берилди.

АМУДАРЁ УЗРА ҚУРИЛАЁТГАН ТЕМИР ЙЎЛ ВА АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ ҚЎШМА КЎПРИГИ ҚУРИЛИШИ ЖАДАЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА



Бугунги кунга қадар “Шовот – Қо-раўзак” янги темир йўл линиясида жами 4 514,20 минг м³ тупроқ кўтарма ишларидан 4 162,6 минг м³ (91 фоиз) бажарилди.

“Шовот – Гурлан – Мангит” перегонида жами 40,4 километрда 10 кВ электр линияларини ва “Койбакли – Қипчоқ” перегонида жами 9,2 километрда 6 кВ электр линияларини кўчириш ишлари якунланди. Умумий 80,2 километр темир йўл излари ётқизиш ишларидан 48,2 километри (52 фоиз) ётқизилди. Сунъий сув ўтказгич иншоотлари ишлаб чиқарилиб, умумий 240 та сунъий сув ўтказиш иншоотларидан 238 тасида (99



фоиз) қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Жами 10 та темир-бе-

тон кўприқдан 6 таси ҳамда 1 дона туннель усулидаги йўл ўтказгич ва 3 дона темир йўл ўтказгич қуриб битказилди.

Бундан ташқари, 8 та тўғри бурчакли бетон қувури (ПБТ) дан 7 тасида қурилиш-монтаж ишлари якунланди.

Амударё устидан ўтувчи темир йўл ва автомобиль йўли қўшма кўприги қурилишида таянч ва устунларни қуриш ишлари ҳамда 1-2-3-оралиқ металл қурилмани йиғиши тўлиқ якунланиб, уларни дарёга суриш ишлари амалга оширилди. 4-5-6-оралиқ металл қурилмаларни йиғиши ишлари ҳам тўлиқ якунланиб, уларни дарёга суриш ишлари бажарилмоқда.

Янги участка йўналиши бўйлаб қурилаётган “Гурлан” вокзалида 50 фоиз, “Мангит” вокзалида 40 фоизга қурилиш-монтаж ишлари бажарил-

ди. “Қипчоқ” вокзалида эса 16 фоизи амалга оширилди.

Айни пайтда катта қурилиш ишлари бажарилаётган худудда 75 тадан ортиқ техника ва 270 га яқин муҳандис-қурувчилар жалб қилинган. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бўйича Тошкент ҳамда Бухоро ихота дараҳтлари экиш ва қўриқлаш масофаси томонидан 5 минг 709 та дараҳт экиш ишлари бажарилди.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида “Шовот” станциясидан “Койбакли” разъездигача юк ва йўловчи ташиш учун темир йўл линияси 240 километрга қисқаради. Эксплуатация харажатлари камаяди, темир йўл участкасининг ўтказиши ва ўтказувчанлик қобилияти кўпаяди, 230 та янги иш жойи ташкил этилади.

Республикада сайдёхлик соҳасини янада ривожлантириб, аҳоли ва сайдёхларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланади. Энг муҳими, маҳаллий юк ташиш ҳажми йилига 12-13 миллион тоннани ва динамикаси йилига 20-25 миллион тоннани ташкил этади.

Транзит юк ташишда 2025 йилдан бошлаб 10-12 йилда 39,9 миллион тоннагача контейнер ташишга эришилади. Йўловчи ташиш ҳажми ҳам йилига 2,66 миллион йўловчи, шу жумладан, 150 минг транзит йўловчилар ва динамика йилига 5-6 фоиз ўсиб боради.



ТЕМИР ЙЎЛ КОРХОНАЛАРИДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

натижада электр энергия харажатлари 30 фоизга қисқариши кутилмоқда



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ АСО-СИДА ТЕМИР ЙЎЛ БИНОЛАРИГА ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ҮРНАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 авгуустдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтиёмий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 10 июлдаги “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ 2022 йилдан бошлаб “Ўзбекистон



“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида Жамият раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши аъзоларининг биргаликда кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти билан Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида 2021-2023 йиллар учун тузилган Тармоқ келишуви мажбуриятларининг 2022 йил давомида бажарилиши кўриб чиқилди ҳамда 2023-2025 йиллар учун янги таҳрирдаги тармоқ келишуви қабул қилинди.



темир йўллари” акциядорлик жамияти ва тасарруфидаги корхоналарда, шаҳар, вилоят ва туманларнинг чекка-чекка худудлардаги тармоқ масканларида ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш мақсадида қуёш панелларини үрнатиб, электр энергиясини олиш йўлга қўйилмоқда.

Хусусан, ўтган йилнинг ўзида

“Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамиятига 16 кВт, “Эйвалекмаксус-темирбетон” унитар корхонасига 20 кВт, Мискин электр таъминоти масофасига 7,5 кВт, “Қуюв-механика заводи” шўъба корхонасига 2 кВт, Тошкент темир йўл техникумага 11 кВт, “Андижон механика заводи” шўъба корхонасига 2 кВт ҳамда Са-



марқанд темир йўл техникумага 5 кВт қувватли қуёш панеллари үрнатилди. Шунингдек, қуёш сув иситиш мосламаларидан иссиқ сув олиш мақсадида “Ўзбекистон” локомотив депосига 3 та, “Термиз” локомотив депосига 1 та, Қарши электр таъминоти масофасига 1 та, “Ўзтемирйўлқурилишмонтаж” унитар корхонасига 4 та, “Темирйўленил-фитъмин” бошқармасининг ёқилғи қўиши ва сақлаш бўлимларига 7 та, “O’ztemiryo’lyo’lovchi” акциядорлик жамиятига 8 та, Тошкент темир йўл техникумага 5 та ҳамда Самарқанд темир йўл техникумага 3 та қуёш сув иситиш мосламалари үрнатилди.

МАРКАЗИЙ АППАРАТ БИНОЛАРИГА 620 КВТ ҚУВВАТГА ЭГА ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ҮРНАТИЛДИ

2023 йил режасига мувофиқ қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш юзасидан 2022 йил 16 октябрда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг

ишларни бошқариш дирекцияси томонидан марказий аппарат маъмурий биноларига қуёш панелларини үрнатиш мақсадида электрон кооперация портали орқали 620 кВт қувват учун “Sun Hightech” масъулияти чекланган жамияти билан шартнома тузилган эди. Унга кўра ҳозирги кунгача марказий аппаратнинг маъмурий биноларига 620 кВт қувватли қуёш панеллари үрнатилиб, ишга туширилди.

Айни пайтда марказий аппарат биноларининг том қисмida жами 13 дона инвертор бўлиб, уларнинг қувватлари ҳар хил – 10 кВт, 30 кВт, 40 кВт, 50 кВт ва 60 кВтдан иборат. Ушбу қуёш панелларидан ўтган йили 150 минг кВт электр энергияси олинган бўлиб, бу йил май ойида 78 минг кВт электр энергияси олинди.

Ўрнатилган қуёш панеллари орқали қўшимча электр энергияси ишлаб чиқарилиши ҳисобига электр энергия харажатларининг 30 фоизга қисқариши кутилмоқда.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидаги “Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамияти Марказий Осиёдаги йирик ишлаб чиқариш саноатига эга корхоналардан бири ҳисобланади.



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

“ТОШКЕНТ – ҚҮНГИРОТ – ТОШКЕНТ” ЙЎНАЛИШИДА ЯНГИ ЙЎЛОВЧИ ВАГОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

Бу ерда тайёрланаётган янги ва қайта таъмирланаётган йўловчи вагонлари нафакат ўзимизда, балки кўшни давлатларга ҳам экспорт қилиниб, ишончли ҳаракатланмоқда. Жорий йилнинг апрель ойида ушбу заводда тайёрланган 2 та янги плацкарт йўловчи вагони “O'ztemiryo'lyo'lovchi” акциядорлик жамиятига етказиб берилди ҳамда ҳафтанинг ҳар куни ҳаракатланадиган “Тошкент – Қўнғирот – Тошкент” йўналишидаги йўловчи поездлар таркибига кўшилди. Айни пайтда эса мазкур янги ва замонавий вагонларда йўловчиларга ишончли ва сифатли хизмат кўрсатилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мазкур плацкарт вагонлар замонавий, ўзига хос дизайнга эга бўлиб, 54 ўрин билан таъминланган. Йўловчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида вагонларда “USB”-портлар, уяли алоқа воситаларини қувватлаш учун 220 вольтли розеткалар билан жиҳозланган. Вагон ички ҳароратини назорат қилишда электрон пульт-таблолар ўрнатилди. Вагоннинг ички ҳароратини иситиш мақсадида икки хилдаги тизим ўрнатилган, биринчи тизим бу электр токи ёрдамида иси-



2023 йил июнь

Станцияларда поездлар ҳаракати ҳавфизлигини таъминлаш мақсадида “Оққўпrik” – “Сариоғоч” станциялари оралиғининг 3346-километр 2-пикетидан 8-пикетигача бўлган темир йўлни реабилитация қилиш ишлари амалга оширилди.

купе, плацкарт, ресторон ҳамда SV вагонларининг ҳар бири соатига 160 километр тезлиқда ҳаракатланишга мослаштирилмоқда. Кувонарлиси, ушбу вагонларнинг кўп эҳтиёт қисмлари ўзимизда, маҳаллийлаштириш дастури асосида тайёрланмоқда.

Ушбу вагонлар аввалгиларидан бироз афзалликларга эга бўлиб, плацкарт вагонларда ҳам иситиш ва совитиш тизими мавжуд, ҳаво айланниши янада яхшиланган, сув иситиш титанлари электр энергияда ҳам, кўмирда ҳам ишлашга мўлжалланган. Ҳар бир вагонга йўловчиларни тоза ва салқин ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида шаффофф сув мосламаси ўрнатилди. Вагон ичига кам электр сарф қиладиган замонавий “Led” ёритгичлари ҳамда телефон қувватини тўлдириш учун махсус мосламалар ўрнатилади. “Led” ёритгичлари вагонлар ичини тунда ҳам ёруғ кўрсатиш имконини беради. Вагон ойналари ҳам иссиқ ва совукни, ортиқча шовқинни ўтказмайди. Юмшоқ ва қулай ўриндиклар эса сифати ва чидамлилиги билан ажralиб туради. Ҳар бир вагон ёнғин ҳавфизлиги мосламалари билан тўлиқ таъминланган.

Вагонларни таъмирлаб, сонини оширишдан кўзланган асосий мақсад эса тармоқнинг вагон паркини босқичма-босқич янгилаш, маҳаллий аҳоли ва хорижлик йўловчиларимиз учун замонавий ҳамда ҳавфиз йўловчи вагонларида хизмат кўрсатишни янада яхшилашдан иборат.

Эътиборлиси, заводда нафакат маҳаллий йўналишлар учун балки, экспортга ҳам янги вагонлар қурилиб, кўшни давлатларга сотилмоқда.

“Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамияти томонидан 8 дона 61-942 русумидаги махсус контингентларни ташиш учун мўлжалланган янги вагонлар ишлаб чиқарилди. Ушбу махсус вагонларнинг 6 донаси Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳридаги буюртмачи корхона “Вагонсервис” акциядорлик жамиятига фойдаланиш учун етказиб берилди. Ишлаб чиқарилган вагонлар асосан МДХ давлатлари темир йўлларида фойдаланиш учун мўлжалланган.





ИҚТИДОРЛИ ЁШ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Пойтахтимиздаги “Локомотив” боғида Ёшлар куни муносабати билан “Темирйўлчи ёшлар форуми” бўлиб ўтди.

Унда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарлари, тегишли корхона-ташкилотлар, бошқарма ходимлари ҳамда тизимда фаолият юритаётган фаол темирйўлчи ёшлар, ёшлар етакчилари, давлат ва кенг жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Бугунги кунда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасаруффидаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда 30 мингдан ортиқ ёшларни ўз атрофига бирлаштирган 370 нафар Ёшлар етакчиси фаолият юритмоқда.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида 2023 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амал



Хитойнинг Ланфан шаҳрида “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” мультимодал транспорт йўлаги бўйлаб юк ташишини амалга ошириш мақсадида “Ланфан – Қашқар – Иркештом – Ўш – Тошкент” мультиформат йўналиши бўйича биринчи халқаро поезднинг жўнаш маросими бўлиб ўтди. Бутун йўлнинг масофаси тахминан 6 минг километрни ташкил этади ва юкнинг умумий оғирлиги 1 минг тоннадан ошади. Сафар вақти тахминан 12 кунни ташкил этди.



га ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастурода белгиланган вазифалар ижроси тўлиқ бажарип келинмоқда. Ана шундай вазифалардан бири тизимдаги ёшларни бирлаштириш ва фаоллигини ошириш ҳамда 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан ташкил этилган “Темирйўлчи ёшлар форуми” доирасида жойларда иқтидор

ли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъодини ривожлантириш учун “Мегаталант” шоу танлови, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ўзаро дўстона мухитни ривожлантириш учун “Қувноқлар ва зукколар” танлови ҳамда поездлар ҳаракати билан боғлиқ мутахассисликлар ўртасида “Энг фаол ёш мутахассис” танлови ташкил этилди.

35 ёшгача бўлган темирйўлчилар ўртасида ўтказилган 7 та соҳани қамраб олган мазкур танлов – ташишларни ташкил этиш, юк ташиш, йўл хўжалиги, локомотивлардан фойдаланиш, вагон хўжалиги, алоқа ва сигналластириш, электр таъминоти соҳалари бўйича ўтказилиб, “Темирйўлчи ёшлар форуми”да 1-урин соҳиблари Жамият раҳбариятининг Фахрий ёрлиги, эсадлик совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, форум давомида “Инновацион гоялар” ва “Йилнинг энг фаол ёшлар етакчиси” танловининг якуний босқичи ғолиблари ҳам тақдирланди.



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши

Бош мұхаррир Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусаҳих
Умидат ТҮЙЧИБОЕВА

Фото мұхбир
Екеб МУРОТОВ

Саҳифаловчи
Гулзода БОЛТАЕВА

Манзил:
100047, Тошкент ш.,
Амир Темур шоҳкӯчаси, 4-й.
тел.: 71-236-48-54

“Offset print” МЧЖ босмахонасида босилди.
Босмахона манзили:
Тошкент вилояти, Зангиота тумани,
Ўнқўргон кўчаси, 4-й.

Газета “Temiryo’ichi”
газетасининг компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигига 0139-рақам
билан 2007 йил 11 январда
рўйхатга олинган.

Буюртма Д-85

Адади: 150